

Росулуллоҳнинг идомлари ҳақида келган ҳадислар баёни.

(давоми)

باب ما جاء في إدام رسول الله صلى الله عليه وسلم

الجزء الثاني

[Ўзбекча – UzbeKing – الإوزبكي]

Абу Ийсо Мухаммад ибн Ийсо ат-Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

باب ما جاء في إدام رسول الله صلى الله عليه وسلم

الجزء الثاني

« باللغة الأوزبكية »

ترجمة: عبد الله شريف

مراجعة: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين ولا إله إلا الله الحق المبين والعاقبة للمتقين والصلة والسلام على
محمد خاتم النبيين وعلى آله وصحبه وأهل بيته أجمعين وعلى التابعين لهم بإحسان إلى يوم
الدين وبعد:

169 - حدثنا محمد بن بشار ثنا مسلم بن إبراهيم ثنا أبان بن يزيد عن قتادة عن شهر بن حوشب
عن أبي عبيدة قال: طبخت للنبي قدراً وقد كان يعجبه النراع فناولته النراع ثم قال ناولني النراع
فناولته ثم قال ناولني النراع فقلت يا رسول الله وكم للشاة من ذراع فقال والذي نفسي بيده لو
سكت لناولتني النراع ما دعوت

Бу ҳадис Абу Убайдадан ривоят қилинади айтадилар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга овқат пишириб бердим, у зотга гӯштнинг курак қисми ёқарди, мен курак гӯштини олиб бердим, сўнг яна курак гӯштини сўрадилар. Мен дархол олиб бердим. Кейин яна сўраган эдилар, мен айтдимки: ё Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қўйнинг нечта кураги бўллади? У зот Жоним унинг қўлида бўлган зотга қасамки, агар бундай демаганингда, қанча сўрасам шунча қўл олиб берардинг - дедилар.

Изоҳ: Албаттa бу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик музизалариданdir, бундай музизалар у зотдан жуда кўп содир бўлган, бу ҳақда алоҳида жилдлик китоблар битилган, масалан имом Байҳақий “далоил нубувва” деб номлаб манашуңдай муъжизаларини жамлаган китоб таълиф қилганлар, у зотдан бошқа бир қанча уламолар ҳам бу борада китоблар ёзганлар.

170 - حدثنا الحسن بن محمد الزعفراني ثنا يحيى بن عبد الله بن سليمان قال حدثني رجل من
بني عباد يقال له عبد الوهاب بن يحيى بن عبد الله بن الزبير عن عائشة رضي الله عنها
قالت ما كان النراع أحب اللحم إلى رسول الله ولكنه كان لا يجد اللحم إلا غبا وكان يعجل إليها
لأنها أُعجل لها نضجا

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади айтадиларки: Қўл гӯшти Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга жуда ҳам ёқимли бўлмаган, лекин у зот гӯштни ниҳоятда кам топардилар. Бунинг сабаби, чунки курак жуда тез пишади.

Изоҳ: Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ бу ҳадисга таълиқ қилиб айтадиларки: *Бу, Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ижтиҳодларидир, аввалги ва бошқа кўп ҳадислардан Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни қўл гўштини яхши кўришилари маълум бўлаяпти, лекин Оиша розияллоҳу анҳонинг бу таъвилларидан мақсад Росууллороҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни лаззатларга берилмай, балки тезроқ пишадиган овқатни танавул қилиб кўп вақтларини умматнинг гамида ўтказар эдилар,- демоқчилар, валлоҳу аълам, лекин инсонда лаззатларга бўлган майл истак бўлиши инсоннинг жисмонан етуклиги ва баркамоллигидандир, Росууллороҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам манашундай баркамол инсон эдилар. Албатта киши табиатан бир нарсани ёқтириши айблик ишлар қаторида саналмайди. Имом Нававийнинг ҳадисга қилган шарҳларини ҳам зикр қиласак, албатта фойдадан холи бўлмайди деб ўйлаймиз. У киши айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам қўл гўштини суйишларининг сабаби, чунки қўл гўшти жуда тез пишади, маззаси ҳам ёқимили ва азиятлик ўринлардан узоқ жойда жойлашган. Ибн Койим раҳимаҳуллоҳ айтадиларки: Ҳайвон гўштининг олдинги қисми доимо ширин ва томли бўлади, чунки бу қисм азиятлик ўринлардан узоқда жойлашган.*

171 - حدثنا محمد بن غيلان ثنا أبو أحمد ثنا مسعود قال سمعت شيخاً من فهم قال سمعت عبد الله بن جعفر يقول سمعت رسول الله قال إن أطيب اللحم لحم الظهر

Абдуллоҳ ибн Жаъфар айтадиларки: Мен Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни гўштларнинг энг яхшиси елка гўшти – деганларини эшитдим.

172 - حدثنا سفيان بن وكيع ثنا زيد بن الحباب عن عبد الله بن المؤمل عن ابن أبي مليكة عن عائشة رضي الله عنها أن النبي قال نعم الإدام الخل

Оиша онамиз айтадилар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам сирка жуда ҳам яхши идом. – Дедилар.

173 - حدثنا أبو كريب محمد بن العلاء ثنا أبو بكر بن عياش عن ثابت أبي حمزة الشمالي عن الشعبي عن أم هانئ قالت : دخل على النبي فقال أعندي شيء فقلت لا إلا خبز يابس وخل فقال هاتي وما أقفر بيـت من أدم فيه خل

Умму Ҳоний айтадилар: Бир куни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам уйимга кириб, мендан егулик бирор нарсанг борми? - деб сўрадилар. Мен қаттиқ нон ва сирка бор дедим. Шунда у зот айтдиларки: Сиркаси бор хонадон идомсиз қолган эмас.

174 - حدثنا محمد بن المثنى قال حدثنا محمد بن جعفر ثنا شعبة عن عمرو بن مرة عن مرة الهمداني عن أبي موسى الأشعري عن النبي قال فضل عائشة على النساء كفضل الثريد على سائر الطعام.

Абу Мусо Ал-Ашъарийдан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Оишанинг бошқа аёллардан афзалиги, сариднинг бошқа таомлардан афзалигидай. – Дедилар.

Изоҳ: Сарид нон билан гўшт бўлиб Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи у таомни жуда ёқтирад әдилар. Шунинг учун Оиша розияллоҳу анҳонинг қадрларини баён қилишида у зотни таомлар ичидага саридга ўхшатдилар. Бу ҳадисдан Оиша онамизни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам нақадар ҳурмат қилишилари маълум бўлиб, Оиша онамизни тақво соҳиби эканликларига ҳам далолат қиласи, чунки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам тақводорларни суръ әдилар.

175 - حدثنا علي بن حجر ثنا إسماعيل بن جعفر ثنا عبد الله بن عبد الحمن بن معمر الأنباري أبو طواله أنه سمع أنس بن مالك يقول قال رسول الله فضل عائشة على النساء كفضل الثريد على سائر الطعام

Анас ибн Моликдан ривоят қилинадиган бу ҳадис ҳам, аввалги ҳадиснинг ўзгинаси.

176 - حدثنا قتيبة بن سعيد حدثنا عبد العزيز بن محمد عن سهيل بن صالح عن أبيه عن أبي هريرة رضي الله عنه أنه رأى رسول الله توضأ من أكل ثور أقط ثم رآه أكل من كتف شاة ثم صل ولم يتوضأ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У зот Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни бир пишлоқ бўлагини еб, сўнг таҳорат қилганликларини, кейин эса қўй курагидан еб, таҳоратни янгиламай намоз ўқиганликларини кўрган эканлар.

177 - حدثنا ابن أبي عمر ثنا سفيان بن عيينة عن وائل بن داود عن ابنه وهو بكر بن وائل عن الزهرى عن أنس بن مالك قال أولم رسول الله على صفية بتمر وسويق

Анас ибн Молик айтадилар: Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам София розияллоҳу анҳога хурмо ва талқон билан валима қилиб берган әдилар.

Изоҳ: Валима тўй учун бериладиган зиёфат. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам хайбар ерини фатҳ қилиб бўлгач, у ердан Мадинага қайтаётib йўлда София онамизни никоҳларига оладилар-да ва хурмо ва толқон билан валима қилиб берадилар. Бошқа ҳадисларда келишича Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўша куни кимда нима бўлса суфрага – суфра теридан бўлган дастурхон - олиб келсин! - деган эканлар. Кейин одамлар нималари бўлса ўртага қўйиб биргаликда баҳам кўрадилар. Яъни Пайғабар алайҳи салом ниҳоятда камтарона енгил тўй қилган эканлар, чунки у зотнинг орзу ҳаваслари охират эди.

178 - حدثنا الحسين بن محمد البصري ثنا الفضيل بن سليمان حديثي فائد مولى عبید الله بن علی بن أبي رافع مولى رسول الله قال: حديثي عبید الله بن علی عن جدته سلمي أن الحسن بن علی وابن عباس وابن جعفر أتوا لها أصنعي لنا طعاماً ما كان يعجب رسول الله ويحسن أكله فقالت يا بني لا تتشهيه اليوم قال بل أصنعيه لنا قال فقامت فأخذت شيئاً من الشعير فطحنته ثم جعلته في قدر وصبته عليه شيئاً من زيت ودققت الفلفل والتوابل فقربته إليهم فقالت هذا ما كان يعجب النبي ويحسن أكله.

Убайдуллоҳ ибн Алий бувиларидан ривоят қиласидилар: Ҳасан ибн Алий, Ибн Аббос ва Ибн Жаъфар, у аёл олдиларига келиб у аёлдан бизга Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ёқтириб ейдиган овқат пишириб беринг дейишади. Шунда у аёл эй! Ўғлим сен у овқатни ея олмайсан! Йўқ ейман! пишириб беринг. Аёл ўрнидан туриб озгина арпа олиб уни туйди, сўнг уни қозонга солиб устидан ёғ қуиди, кейин қалампир ва зираворларни майдалаб уларга таомни келтирди-да, манашу овқат Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга ёқарди, уни иштаҳо билан ер эдилар – деди.

179 - حدثنا محمود بن غيلان ثنا أبو أحمد ثنا سفيان عن الأسود بن قيس عن نبيح العنزي عن جابر بن عبد الله قال أتانا النبي في منزلنا فذبحنا له شاة فقال كأنهم علموا أنا نحب اللحم وفي الحديث قصة

Жобир ибн Абдуллоҳ айтадилар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бизни уйимизга келдилар, биз у зот учун қўй сўйдик, шунда айтдиларки: бизни, гўштни яхши кўришимизни билганга ўхшайдилар бу хонадон соҳиблари. Ровий ҳадисда анчагина қисса бор эди. – Дейдилар.

180 - حدثنا ابن أبي عمر ثنا سفيان ثنا عبد الله بن محمد بن عقيل أنه سمع جابر قال سفيان وحدثنا محمد بن المنكدر عن جابر قال خرج رسول الله وأنا معه فدخل على امرأة من الأنصار

فذهبت له شاة فأكل منها وأنته بقناع من رطب فأكل منه ثم توضأ للنهر وصلى ثم انصرف فأنته
بعلاة من علاة الشاة فأكل ثم صلى العصر ولم يتوضأ

Жобир розияллоху анху айтадилар: Росууллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам билан бирга ансорлардан бир аёлниига бордик. У аёл Пайғамбар саллаллоҳ алайҳи васалламга қўй сўйиб берди. Пайғамбар алайҳис-салом ундан едилар, сўнг бир саватчада янги пишган хурмо олиб келди, ундан ҳам танавул қилиб, сўнг пешин намози учун таҳорат қилдилар, кейин пешин намозини ўқиб, қайтиб келган эдилар, у аёл қолган қўй гўштини олиб келди, у гўштдан еб асрни намозини таҳоратни янгиламай ўқидилар.

Изоҳ: *Бу ҳадис тиширилган гўштни егандан кейин таҳорат қилиши лозим эмаслигига далилдир.*

181 - حدثنا العباس بن محمد الدوري ثنا يونس بن محمد ثنا فليح بن سليمان عن عثمان بن عبد الرحمن عن يعقوب بن أبي يعقوب عن أم المنذر قالت دخل علي رسول الله ومعه علي ولنا دوال معلقة قالت فجعل رسول الله يأكل وعلي معه يأكل فقال رسول الله لعلي مه يا علي فإنك ناقه قالت فجلس علي والنبي يأكل قالت فجعلت لهم سلقا وشعيرا فقال رسول الله لعلي من هذا فأصبب فإنه أوفق لك.

Умму Мунзир розияллоху анҳо айтадиларки: Росууллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам Алий билан бирга менга меҳмон бўлдилар, бизда хурмонинг ғўраси шохи билан синдириб олиб уйга осиб қўйилган эди, Пайғамбар саллаллоҳ алайҳи васаллам ундан танавул қила бошладилар, Алий ҳам биргаликда ея бошлади, шунда Росууллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам Алига тўхта! Эй! Алий, сен эндиғина касалликдан чиқдинг дедилар. Алий ейишни бас қилди, Пайғамбар алайҳи салом эса давом этдилар. Кейин мен уларга отқулоқ ва арпадан овқат таёrlаб бердим. Росууллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам Алийга манабундан олсанг бўлади, чунки у сенга муносиброқ дедилар.

182 - حدثنا محمود بن غيلان ثنا بشر بن السري عن سفيان عن طلحة بن يحيى عن عائشة بنت طلحة عن عائشة أم المؤمنين رضي الله عنها قالت كان النبي يأتيني فيقول أعنديك غداء فأقول لا قالت فيقول إني صائم قالت فأتنا يو ما فقلت يا رسول الله إنه أهديت لنا هدية قال وما هي قلت حيس قال أما إني أصبحت صائماً قالت ثم أكل

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар алайҳи салом меникига келиб, нонуштага бирор нарса борми? - деб сўрар эдилар. Мен

Йўқ! - десам. У зот ундаи бўлса мен рўзаман дер эдилар. Бир куни келиб қолган эдилар, мен ё Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳадия келди, - дедим, у зот "у нима экан?" - Дедилар. Мен ҳес дедим. У зот, лекин мен рўзага ният қилган эдим-да - деб, сўнг едилар.

Изоҳ: Ҳеснинг шарҳида мулла Алий қори у сариёғ ва пишлок қўшилган хурмо, гоҳида пишлок ўрнига ун ҳам қўшилади, сўнг аралашибилади. – Дедилар. Мадина аҳли орасида бу таом ҳозиргача шу ном билан машхур, асосан рамазон ойида Росууллоҳ масжидларида рўзадорларга тақдим қилинади. Муллу Али қори айтганларидек у сариёғ, нон, ва хурмо баъзан нон ўрнига ундан фойдаланишади.

Бу ҳадисдан нафл рўзага кундузи ҳам ният қилиши жоизлиги маълум бўлади, шарти шуки, киши ҳали ҳеч нарса танавул қилмаган бўлса.

183 - حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن حدثنا عمر بن حفص بن غياث ثنا أبي عن محمد بن أبي يحيى الأسلمي عن يزيد بن أبي أمية الأعور عن يوسف بن عبد الله بن سلام قال رأيت النبي أخذ كسرة من خبز الشعير فوضع عليها تمرة ثم قال هذه إدام هذه فأكل

Юсуф ибн Абдуссалом айтадилар: Мен Пайғамбар алайҳи саломни арпа нонидан бир бурда олиб, унга хурмо қўшганларини кўрдим. Шунда бу манабунинг идоми - деб еган эдилар.

184 - حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن ثنا سعيد بن سليمان عن عباد بن العمّ عن حميد عن أنس بن مالك أن رسول الله كان يعجبه الشفل قال عبد الله يعني ما بقي من الطعام

Анас ибн Молик айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга суфл (қирмоч) ёқар эди, ровий Абдуллоҳ айтадилар суфл таомдан қолганидир.

Изоҳ: Уламолардан бири Ҳанафий исмлик киши айтадилар: Суфл овқатнинг қозонда ёки товоқдаги қолдиги. Баъзи олимлар буни қозонга ёпишган таом қолдиги яъни қирмоч деб тафсир қилганлар.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам жуда камтарона ҳаёт кечириб, сўнг исрофгарчиликга чек қўйган инсон эдилар. Қани энди бизлар ҳам у зотнинг изларидан бориб, манашиндай ахлоқларни ўзимизда мужассам қилсак! Оллоҳ таоло камчилик ва нуқсонларимизни ўзи афв этсин!

وَصَلَى اللَّهُ وَسْلَمَ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ.